*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч – адолатда

2025 йил
21 ноябрь,
жума
№ 47
(1081)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ АСОСИЙ РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш юзасидан тақдимот билан танишди.***

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллион нафарга кўпайди. Шунга мос равишда янги уйлар, йўллар ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Ўтган даврда 210 миллион квадрат метр турар ва нотурар жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳоли учун 565 мингта, аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп хонадон қурилди.

Қурилиш материалларининг саноати учун ҳам катта имкониятлар яратилди. Унинг ҳажми сўнгги саккиз йилда 4 баробар ўсиб, жорий йилда 53 триллион сўмга, экспорти эса, 1,1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Энг муҳими, бу тармоқ Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Жиззах вилоятларининг илгари саноати бўлмаган туманларида иш ўрни ва даромад манбаи яратадиган катта "драйвер" соҳага айланди.

Шу билан бирга, соҳада маҳсулотлар сифати ва стандартларга риоя этиш, логистика масалалари, янги бозорларга чиқиш билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Жумладан, ПВХ-қувур, фитинглар, пардозбоп тош ва қурилиш ойнаси ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар мавжуд бўлса-да, 2024 йилда ушбу маҳсулотлар катта ҳажмда импорт қилингани кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда келгусидаги асосий режалар баён қилинди.

Хусусан, тармоқда 2,4 миллиард долларлик 112 та лойиҳани амалга ошириш, улар орқали 13,5 мингта иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Стратегик аҳамиятга эга 110 миллион долларлик яна 5 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Келгуси йилларда лойиҳалар портфелини 3,5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бу лойиҳалар ҳар бир вилоят ва туманнинг мавжуд захиралари, хомашё базаси ва логистика имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши зарурлигини таъкидлади.

Қўшни мамлакатларда 4 миллиард доллардан зиёд қурилиш материаллари бозори бор. Бундан ташқари, 26 мамлакатга 9 та маҳсулот экспортини кескин кўпайтириш имкони мавжуд.

Мутасаддиларга ҳудудлар ва тармоқларнинг экспорт имкониятларини тўлиқ ишга солиб, ташқи бозорларга чиқишни фаоллаштириш, экспортбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш топширилди.

Тақдимотда каолин захираларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам ўрганилди. Юртимизда 1 миллиард тоннадан ортиқ каолин бўлишига қарамай, ҳар йили миллионлаб долларлик чинни импорт қилинаётгани қайд этилди. Шу боис, келгуси йилда каолинни чуқур қайта ишлаш бўйича 515 миллион долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш ва 460 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

Тармоқда энергия самарадорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача 34 та корхонада энергия аудитининг ўтказилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ёқилғи миқдорининг камайишига эришилди.

Бу ишларни тизимли давом эттириб, ишлаб чиқарилаётган энергия тежовчи маҳсулотларнинг турини кенгайтириш, қурилишда фойдаланиладиган энергия тежамкор ва экологик маҳсулотларнинг улушини келгуси йили 25 фоизга, 2030 йилга қадар эса 35 фоизгача етказиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини оширишда илм-фаннинг ўрни муҳимлиги, олимларимизнинг салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада Тошкент кимё-технология институти билан ҳамкорликда 4 та илмий лойиҳа амалга оширилмоқда, Германия, Корея ва Туркиядан олимлар жалб этилган. Амалиёт ва фан интеграциясини кучайтириш доирасида келгуси йилдан қурилиш материаллари йўналишидаги илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун 30 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Корхоналарда рақамли бошқарув ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали таннархни 5-10 фоизга қисқартириш мумкинлиги таъкидланди. Бундай тизимлар жорий этиладиган корхоналарни кўпайтириш мақсадида, икки йил давомида 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнида қурилиш материаллари соҳаси ҳам халқаро талабларга мослаштирилмоқда. Ўтган даврда бу борада 125 та халқаро стандарт қабул қилинди. 2026 йилда буни 166 тага етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз белгиланган режаларни амалга ошириш, юқори сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

**ЎзА**

***Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий тамойилни жамият ҳаётида тўлақонли акс эттириш мақсадида, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари тубдан такомиллаштирилмоқда.***

■ Моҳият




## Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

### БУ БОРАДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Кейинги йилларда бу борадаги муҳим ўзгаришлардан яна бири соҳани тартибга солувчи ваколатли орган, яъни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Агентлик ўтган қисқа даврда соҳада салмоқли ишларни амалга ошириб, қатор натижаларга эришганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, Агентлик олдида соҳани тартибга солиш, жумладан, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, уларнинг манзиллилигини таъминлаш каби бир қатор ўз ечимини кутаётган вазифалар турганлигини қайд этиш лозим.



**Гулнора МАРУФОВА**

*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор*

(Давоми 3-бетда) ▶

## Қонунчиликдаги янгиликлар

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётимизга дахлдор масалалар, жумладан, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириш, халқаро низомни ратификация қилишга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, Омбудсманнинг тегишли қонунга қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонунчилик таклифи ҳамда парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.***

Парламент фаолияти



### СУД ИШЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Мажлисда депутатлар томонидан фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

■ Муносабат




## Кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда

**Дунёда геосиёсий зиддият ва таҳдидлар тобора кескинлашиб, инсоният келажагига хавф солиб турган бир пайтда давлатлар ўртасида, айниқса, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳар қандай мамлакатнинг стратегик вазифасидир.**

(Давоми 2-бетда) ▶



**Моҳира ХЎЖАЕВА**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси*

■ Қонун кўмаги

## Ноқонуний буйруқ



### суд тартибида бекор қилинди, ходимнинг ҳуқуқлари тикланди

***Инсонпарвар, кучли демократик давлат барпо этиш йўлида дадил одимлаётган, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан бўйлашаётган она диёримизда эришилаётган юксак марралар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳеч шубҳасиз, юртимизда Конституция ва қонун устуворлиги таъминланаётгани билан чамбарчас боғлиқ. Инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси мустаҳкам кафолатлаб қўйилгани фуқароларда адолат ва ҳақиқатнинг ҳамиша бардавомлигига бўлган ишончни тобора ошириб, юксак мақсадлар сари янада самарали меҳнат қилишга даъват этмоқда.***

(Давоми 3-бетда) ▶

● *Фаолият*

## Маъмурий жазо ТАЙИНЛАШ

### қонун талабига қатъий риоя этишни талаб қилади

***Маълумки, мамлакатимизда ҳар бир қонун ҳужжати Конституциямиз талаблари асосида қабул қилинади ва жамият тараққиётига, халқнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга қаратилади.***

Мисол учун айтганда, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

● *Мезон*



## ЁПИҚ СУД МАЖЛИСИ

### тафсилотларини ошкор этганлик учун – жиноий жавобгарлик белгиланди

***Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шахсий ҳамда оилавий сири, шаъни ва қадр-қимматини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базаси изчиллик билан такомиллаштирилиб борилмоқда.***

(Давоми 2-бетда) ▶

*Тарих тилсимлари*




**Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

## Сўз латофати

### РЕПРЕССИЯ ҚАТАҒОНМИ?

Тилимизда қаттиқ сўзига асос бўлган қат ўзаги бор. Қатқалоқ десак — қат, қотган лой десак, қот бўлади. Бу ўзакнинг яна бир маъноси қават. Қат-қат, қатлам, қатлама сўзлари шундан. Қатилмоқ сўзининг илдизи ҳам қат. Қўшилмоқ, аралашмоқ деган мазмунда. Маъдан қотишмаси шу тушунчадан. Мис билан қалай эритиб аралаштирилса, қотишма бўлади. Қатнинг бу маъноси ҳозир кўпроқ мақолларда, шеваларда қолган. Қўшилув, аралашув, бирикув сўзлари қатилувни четга суриб қўйган.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонун лойиҳасига асосан, Фуқаролик процессуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодексларига фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибида кўриб чиқишга асос бўлувчи даъво миқдорини ошириш бўйича ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, даъво баҳоси нисбатан кичик бўлган ишлар, жумладан, жисмоний шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) нинг — беш баравари, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан — ўн баравари, юридик шахсларга нисбатан йигирма баравари миқдоридаги низолар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаси билан соддалаштирилган тартибда кўриладиган иш бўйича даъвонинг максимал баҳоси фуқаролик низолари бўйича юридик шахсларга нисбатан БҲМнинг — 150 баравари, якка тартибдаги тадбиркорларга — 100 баравари, жисмоний шахсларга — 50 баравари, иқтисодий низолар бўйича эса, юридик шахсларга нисбатан — 150 баравари, якка тартибдаги тадбиркорларга — 100 баравари этиб белгиланмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида кўплаб фуқаролик ва иқтисодий низолар судда тезкор ҳал этилади, суд қарорлари эса, одатдагидан тезроқ қонуний кучга киради.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши умумий тартибда кўриладиган ишларнинг аксарият қисми соддалаштирилган тартибда кўрилиши ва бу ишлар бўйича суд қарорларининг кучга кириш муддати 30 кундан 10 кунга қисқариши натижасида банклар балансидаги ҳаракатсиз ва муаммоли активлар улуши камаяди ҳамда иқтисодий низолар тезкор ҳал этилади. Шу билан бирга, судларнинг иш юкламаси камайиб, банклар ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий барқарорлик таъминланади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ” ФОРМАТИ КОТИБИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Мажлисда **“Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти тўғрисида”ги Низомни ратификация қилиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Марказий Осиё — Хитой” формати платформа шаклидаги давлатлараро тузилма ҳисобланиб, унинг котибиятига Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан тегишли таъсис ҳужжатларини имзолаш орқали асос солинмоқда.

Мазкур дипломатик мулоқот шакли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, ўзаро хурмат, ишончга асосланган кўп асрлик дўстлик ва шериклик ришталари ҳамда яқин алоқаларни ўрнатиш, амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

“Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти 2023 йил 19 майдаги ушбу формат иштирокчи-давлатлари қабул қилган Сиань декларациясига мувофиқ ташкил этилмоқда.

Котибият Форматнинг ижро органи ҳисобланиб, иштирокчи давлатларнинг саммитлари ва ташқи ишлар вазирлари учрашувларини ташкилий, техник ва ахборот жиҳатдан таъминлашни амалга оширади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти тўғрисида”ги Низомни ратификация қилиш назарда тутилмоқда. “Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти тўғрисидаги низом муқаддима ва 4 та бўлимдан иборат. Ҳужжат билан Котибиятнинг вазифалари, ваколатлари, тузилиши ва таркиби, ҳуқуқи, мажбуриятлари ҳамда мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши “Марказий Осиё — Хитой” формати котибиятида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш, ушбу платформада минтақавий ташаббусларни илгари суриш, миллий манфаатларни муносиб ҳимоя қилиш имконини бериши таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### ОМБУДСМАН ТОМОНИДАН КИРИТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ТАКЛИФИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Шунингдек, депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг **“Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонунчилик таклифини кўриб чиқдилар.

Таклифга асосан, тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган нормаларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, амалдаги қонунга байрам кунларида тоза ҳавода қўшимча сайр қилиш ҳамда яқин қариндошлари ва бошқа шахслардан кийишга рухсат этилган кийим-бош ва пойабзал олиш ҳуқуқларини бериш, ҳар ойда озиқ-овқат ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун рухсат этилган пул миқдорини ошириш оид нормаларни киритиш таклиф этилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қамоққа олинган шахсларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга, миллий қонунчиликни халқаро тажрибага мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонунчилик таклифи депутатлар томонидан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**Муносабат**

# Кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасида, балки “Марказий Осиё плюс” форматидаги ривожланган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан интеграция жараёнлари жадал суръатларда ривожланмоқда. “Марказий Осиё – Хитой”, “Марказий Осиё – Россия”, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё – Италия” каби ҳамкорлик платформалари бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айтиш керакки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақанинг яхлит экотизим сифатидаги барча ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини муҳокама қилиш билан бирга глобал иқлим таҳдиди кучайиб бораётган шароитда минтақада экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур давлатлараро мулоқот платформасига 2018 йилда Остонада бўлиб ўтган учрашувда асос солинган эди. Ушбу учрашув минтақадаги сиёсий мулоқотнинг янги формати сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Зеро, ундан олдинги ўн йил давомида минтақа давлат раҳбарлари бундай даражадаги ягона платформада учрашишмаган эди. Шу жиҳатдан, Остона учрашуви минтақавий ҳамкорликни қайта тиклаш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида Озарбайжон Республикаси ушбу форматга тўлиқ ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши платформанинг нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Шу сабабли кейинги Маслаҳат учрашувлари “Марказий Осиё ва Озарбайжон” форматида ўтказилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқида минтақа билан боғлиқ барча ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини муҳокама қилиш билан бирга, глобал иқлим таҳдиди кучайиб бораётган шароитда минтақада экологик барқарорликни таъминлашга йўналтирилган бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

**Мазкур давлатлараро мулоқот платформасига 2018 йилда Остонада бўлиб ўтган учрашувда асос солинган эди. Ушбу учрашув минтақадаги сиёсий мулоқотнинг янги формати сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Зеро, ундан олдинги ўн йил давомида минтақа давлат раҳбарлари бундай даражадаги ягона платформада учрашишмаган эди. Шу жиҳатдан, Остона учрашуви минтақавий ҳамкорликни қайта тиклаш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.**

Хусусан, минтақада сув тақчиллиги тобора ортиб бораётгани ва унинг барқарор ривожланишидаги салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда 2026-2036 йилларни **“Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги”** деб эълон қилиш ташаббуси минтақа давлатлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда Ўзбекистонда сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига йилига 7 миллиард куб метр сув ресурслари тежалмоқда. Бу жараёнлар Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам фаол жорий этилмоқда. Шу сабабли 2023 йил якунларига кўра, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги дастури (ФАО) Марказий Осиё давлатларини дунёдаги энг яхши сувдан фойдаланувчилар ўнталигига киритганини эълон қилди. Бу эса, Марказий Осиё барқарор экологик ривожланиш минтақаси ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатнинг намунаси бўлишга муносиб эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан Афғонистонни Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга фаол жалб этиш ташаббуси илгари сурилгани ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади.

Маълумки, соҳанинг ривожи нафақат унинг ҳуқуқий таъминотига, балки соҳа кадрларининг малакасига ҳам узвий боғлиқдир. Шу сабабли соҳада профессионал кадрларни тайёрлашга инвестиция жалб этмасдан туриб, сув ресурсларини самарали бошқариш имконсизлиги давлатимиз раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилди. Шу мақсадларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти базасида Сув хўжалиги соҳасида компетенциялар минтақавий марказини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Бир сўз билан айтганда, учрашув доирасида илгари сурилган ташаббуслар, эришилган келишувлар минтақавий бирдамликни мустаҳкамлашга, минтақа халқлари фаровонлигини оширишга, барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

*Мезон*

# Ёпиқ суд МАЖЛИСИ



## тафсилотларини ошкор этганлик учун – жиноий жавобгарлик белгиланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, Конституциямизнинг 137-моддасига кўра, юртимизда барча судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Аниқроқ айтганда, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасига мувофиқ, давлат сири, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, ишлар ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилиши мумкин.

Ўз навбатида, ёпиқ суд мажлисида иштирок этган судья, суд мажлиси котиби, прокурор, даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар, умуман олганда, барча суд мажлиси иштирокчилари ўзларига маълум бўлган иш тафсилоти ва маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилиши мумкин эмас.

Шу боис амалдаги қонунларда ёпиқ суд мажлисларида иштирок этган шахслар маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиши белгиланган. Аммо қонунчиликда бундай маълумотларни ошкор қилганлик учун аниқ жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган. Бу эса, ўз навбатида, муайян ҳуқуқбузарлик учун жазо чоралари қўлланилмасдан қолинишига олиб келаётганди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 26 сентябрь куни имзоланган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун билан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур янги қонун билан ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумоти ва тафсилотларини ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирилган шахслар томонидан маълумот ва тафсилотлар суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 60, 62, 64, 98, 208-моддаларига киритилган ўзгартиришларга кўра, эксперт, мутахассис ва таржимон ёпиқ суд мажлиси муҳокамаси маълумоти ҳамда тафсилотларини суднинг рухсатисиз ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Хулоса ўрнида айтганда, амалдаги қонунларга киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ёпиқ суд мажлиси тафсилотлари анонимлигини таъминлаш орқали шахснинг шаъни, қадр-қимматини дахлсизлигини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

**Дилноза АБДУҚОДИРОВА,**
*фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьяси*

*Фаолият*

# Маъмурий жазо

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Буни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 3-моддаси мазмун-моҳияти ҳам яққол кўрсатиб турибди. Унга кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик қонунийлик, фуқароларнинг тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Шу ўринда айтиш керакки, тегишли ваколатли органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида, иш юритиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширадилар. Акс ҳолда, қонун талабининг бузилиши маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Масалан, яқинда суд томонидан Кадастр агентлиги Қўшработ тумани бўлими бошлиғининг ҳуқуқбузар О.Омонқулова нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори бекор қилинди ва бу маъмурий иш қайта кўриб чиқиш учун Кадастр агентлиги туман бўлимига юборилди.

Ўз навбатида, суднинг ушбу қарорига нисбатан Кадастр агентлиги туман бўлими томонидан келтирилган кассация тартибидаги шикоят вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилди, суднинг қарори қонуний ва асосли деб топилгани боис ўзгаришсиз қолдирилди.

Хўш, аслида қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганди? Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғининг О.Омонқуловга маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги қарори нега бекор қилинди?

Бу ҳақда батафсил фикр юритадиган бўлсак, О.Омонқулов Эргаш Жуманбулбул номидаги массивда жойлашган 66 квадрат-метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олади ва қурилиш ишларини амалга оширади. Ушбу қонунбузилиш ҳолати Кадастр агентлиги туман бўлими етакчи инспектори З. Хонкелдиева томонидан шу йилнинг 23 май куни ўтказилган ўрганиш жараёнида аниқланади. Шу сабабли О.Омонқулова нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилади. Шундан сўнг ушбу баённомага асосан, Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғининг қарори билан О.Омонқуловга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари – 75 миллион сўм жарима жазоси тайинланади.

Ўз навбатида, О.Омонқулов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 315-моддаси тартибида судга ариза билан мурожаат қилиб, Кадастр агентлиги Қўшработ тумани бўлими томонидан 75 миллион сўм жарима жазоси қўлланилгани, аммо доимий даромади йўқлиги, оилавий шароити оғирлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини қайд этиб, жарима миқдорини камайтириб беришни сўраган.

Суд томонидан ушбу ариза юзасидан “E-Ma’muriy ish” ягона ахборот тизимига киритилган ҳужжатлар ўрганилганида, Кадастр агентлиги туман бўлими томонидан иш юритиш қоидаларини жиддий равишда бузилганлиги аниқланади.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сонли қарори билан тасдиқланган **“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақида”**ги Низомнинг 26-бандида ваколатли органлар томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талаблари бузилганлиги ҳақида белгиланган шаклдаги маъмурий баённома ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида планшет ёки компьютер ёрдамида “E-Ma’muriy ish” тизими орқали расмийлаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, Низомда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор “Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими” ёки дактилоскопик таққослаш ёхуд мультибиометрик идентификация қилиш дастурлари орқали ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаган ҳолда электрон рақамли имзо ёки электрон график имзо ҳамда QR код билан тасдиқланиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Тўғри, Кадастр агентлиги Қўшработ тумани бўлими етакчи инспектори З.Хонкелдиева томонидан 2025 йил 23 май куни тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома pdf форматида сканер қилинган ва тизимига киритилган.

Аммо қоидага хилоф равишда худди шу сана билан “E-Ma’muriy ish” тизимига PSAM 2524104317887 рақамли бошқа бир маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ҳам юкланган.



■ Моҳият

# Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш

## БУ БОРАДА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларни бузганлик, шунингдек, ижтимоий ҳимоя органлари ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, уларнинг талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш зарурияти ҳам юзага келмоқда.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан **“Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун маъқулланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу янги қонун билан амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор муҳим ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, ***биринчидан,*** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда:

– шаҳарсозлик ҳужжатларига уларда ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлими (қисми) мавжуд бўлмаган ҳолда ёки шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлмаган ушбу алоҳида бўлим (қисм) бўйича эксперт ташкилотлари томонидан ижобий хулоса берганлик учун (99-модда, ўн иккинчи қисм);

– шаҳарсозлик ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлимига (қисмига) амал қилинмаган ҳолда қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси органлари томонидан рухсатнома берганлик учун (99-модда, ўн учинчи қисм);

– ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва ижтимоий кафолатларни таъминламаганлик учун ($215^{9}$-модда) жавобгарлик белгиланмоқда.

***Иккинчидан,*** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс $198^{8}$-модда билан тўлдирилиб, унда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги идоралар ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

***Учинчидан,*** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг:

– ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонунчилик талабларини бузиш ($47^{2}$-моддаси);

– васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (48-модда);

– ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ($51^{1}$-модда);

– ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ($241^{5}$-модда)да ифодаланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлардан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекцияга ўтказилмоқда.

***Тўртинчидан,*** Ижтимоий инспекция органлари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ишлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ($245^{12}$-модда) белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, кодекснинг $47^{2}$, 48, $51^{1}$-моддаларида, 99-моддасининг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида, $198^{8}$, $215^{9}$-моддаларида, $241^{5}$-моддасида (лицензия беришда ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

***Бешинчидан,*** **“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”**ги, **“Банк сири тўғрисида”**ги, **“Нотариат тўғрисида”**ги, **“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”**ги, **“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”**ги қонунларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳолатларда шифокор сири, банк сирини ташкил этадиган, нотариал ҳаракатлар, қимматли қоғозлар ҳамда кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни сўров ёки аризага асосан берилишини назарда тутувчи тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

***Олтинчидан,*** Солиқ кодексида Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига ёки Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар аъзоларига қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳомийлик ташкилотлари томонидан солиқ даври мобайнида базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри бериладиган пул маблағлари тарзидаги ҳомийлик хайриялари учун солиқ солинмаслиги белгиланмоқда.

***Еттинчидан,*** **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонунда ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилиши мустаҳкамланмоқда.

Мазкур янги қонуннинг қабул қилиниши:

– ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг турмуш даражаси янада яхшиланишига, уларга жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга;

– фуқароларга ижтимоий карта очиш ва ижтимоий ёрдам ҳамда хизматлар кўрсатишда уларга тааллуқли бўлган маълумотларни (*шифокор ва банк сирига оид, нотариал ҳаракатлар, қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар*) ўрганиш орқали давлат бюджетидан ижтимоий ҳимояга ажратилган маблағларнинг янада манзиллилигини таъминлашга;

– ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишда қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни бажармаслик, стандартларни бузганлик, ижтимоий ҳимоя тизими ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки қонуний талабларини бажармаганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланишига хизмат қилади.

■ Қонун кўмаги

# НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

## суд тартибида бекор қилинди, ходимнинг ҳуқуқлари тикланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Гап қонун устуворлиги ҳақида кетар экан, мамлакатимизда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатлари Конституция ҳамда қонунлар асосида тартибга солинганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Жумладан Конституциямизнинг 42-моддасига кўра, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳаётда баъзан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилинган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай вазиятда ходим иш берувчига мурожаат қилиши ёки меҳнат шартномасининг бекор қилиниши устидан белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибида шикоят қилиши мумкин. Бу қоида Меҳнат кодексининг 174-моддасида белгилаб қўйилган.

Масалан, яқинда судда даъвогар Нажмиддин Пўлатов (исм-шарифлар ўзгартирилди)нинг жавобгар “Навоий кон Металлургия комбинати” акциядорлик жамияти Шимолий кон бошқармасига нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни ноқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилиб, даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Шу ўринда бу ҳақида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси “Даугизтау” очиқ усулда қазиб олиш кони участка механиги Н.Пўлатов шу йил 31 январь куни участка бошлиғи Ф.Ҳайдаровнинг топшириғи билан омборхонадан 209 литр мотор мойини олиб, участка ҳудудига келтиради.

Участка ҳудудида кузатув камераси ўрнатилгани боис Н.Пўлатов ҳеч ким тегинмайди, деган фикрда мотор мойи солинган бочкани қаровсиз қолдириб, бошқа ишларга чалғиб кетади. Қайтиб келса,- бочка жойида йўқ, талон-торож қилинган.

Шундан сўнг корхона мулки талон-торож қилинганлик ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади ва жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман судига юборилади. Суд қарори билан Н.Пўлатов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилади.

Ўз навбатида, акциядорлик жамияти Шимолий кон бошқармаси директорининг ўринбосари суд қарорига асосланиб, Н.Пўлатов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқни қабул қилади.

Аммо орадан кўп ўтмай туман судининг ушбу қарори Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида муҳокама этилиб, бекор қилинади ва иш қўшимча суриштирувга қайтарилади. Охир-оқибат эса, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг шу йил 27 июндаги қарорига асосан Н.Пўлатовга нисбатан юритилган маъмурий иш ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан ҳаракатдан тугатилади.

Энди тасаввур қилиш мумкин: агар иш берувчи Н.Пўлатовнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида суд қарори чиқарилган заҳотиёқ хатони тузатганида, бирон-бир муаммога ўрин қолмаган.

Даъвогар даъво аризасида қайд этишича, у 2012 йилдан то меҳнат шартномаси бекор қилинган 2025 йилга қадар корхонада турли лавозимларда фаолият юритиб, жамоада обрў-эътибор қозонган. Ишдан асоссиз бўшатилгани сабабли руҳан эзилган, тушкунликка тушган. Бир неча ой ишсиз қолиб, моддий томондан қийналган. Бунинг устига у билан корхона ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома имзоланмаган.

Н.Пўлатов суд қарори билан айбдорлиги исботини топмаганлиги сабабли акциядорлик жамияти Шимолий кон бошқармасининг 2025 йил 31 январдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини ноқонуний деб топиб бекор қилишни, участка механиги вазифасига ишга қайта тиклашни, жавобгардан мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва 50 миллион сўм маънавий зарар ундириб беришни сўради.

Судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, Н.Пўлатовнинг айбдор эмаслигини унга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш суд қарорига асосан иш юритувдан тугатилгани тўлиқ тасдиқлайди.

Суд амалдаги қонунлар ва Олий суд Пленуми қарори раҳбарий кўрсатмалари талабларидан келиб чиқиб, жавобгар “Навоий кон Металлургия комбинати” акциядорлик жамияти Шимолий кон бошқармасининг даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 2025 йил 31 январдаги буйруғини ноқонуний деб топди. Даъвогар Н.Пўлатовни 2025 йил 31 январдан бошлаб, ўз ишига қайта ишга тиклади. Даъвогарнинг фойдасига мажбурий прогулда юрган кунлари учун 101 миллион 2 минг 907 сўм иш ҳақи (мажбурий чегирмалар ушлаб қолинган ҳолда) ундириладиган бўлди.

Шунингдек, суд маънавий зарар етказилганлигини акс эттирувчи ҳақиқий ҳолатларни эътиборга олиб, оқилоналик ва адолатлилик тамойилларидан келиб чиқиб, қопланиши лозим бўлган маънавий зарар миқдорини баҳолади ва унга кўра, 19 миллион сўм товон пули ундириладиган бўлди.

Шу каби Фуқаролик-процессуал кодексининг 141-моддаси 1-қисмига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилди.

Ҳал қилув қарорининг буйруқни ғайриқонуний деб топиб, ишга тиклаш ҳақидаги қисми дарҳол ижрога қаратилди.

Гувоҳи бўлганингиздек, меҳнат муносабатларида йўл қўйилган хато иш берувчи томонидан ўз вақтида, тўғри изга солинмагани, шошқалоқлик билан ноқонуний буйруқ чиқарилгани қимматга тушди. Демак, меҳнат қонунчилиги талабларига ҳар доим қатъий риоя этиш асло панд бермайди.

**Баҳодир БОБОҚУЛОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Хатирчи тумани суди раиси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*“Куч – адолатда” мухбири*

■ Жиноятга жазо муқаррар

# Фирибгарнинг қилмиши

## ТЕГИШЛИ ЖАЗОГА САБАБ БЎЛДИ

***Маълумки, ўттиз ёш инсон учун бирор-бир касбни мукаммал эгаллаши, танлаган йўлининг пасту баландини чамалай олиши, қисқаси, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун етарли фурсат саналади. Асакалик Шодмонбек Ҳамидов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳам аллақачон ўттиз ёшга тўлган ва у савдо-сотиқнинг ҳавосини олган, деб айтиш мумкин. Ҳар ҳолда, у ўн йилдан буён турмуш ўртоғи билан кийим-кечак савдоси билан шуғулланиб келар ва шундан топган даромади билан рўзғорини тебратарди.***

Албатта, савдо-сотиқ ҳамма вақт ҳам бирдек даромад келтиравермайди, баъзан харидорларнинг қадами узилиб, сусайиб қолади. Ш.Ҳамидов ҳам бир гал шундай ҳолатга тушди. Аммо у сабр қилиш ўрнига, кўпроқ пул топиш мақсадида, расталарни янги турдаги кийим-кечаклар билан тўлдириш йўлларини излай бошлади. Шу мақсадда таниши Гавҳархон Расуловадан 2 минг АҚШ доллари атрофида қарз олди. Орадан ўн беш кунлар ўтгач, тағин Г.Расуловани йўқлаб борди.

– Сизда доим ортиқча пул бўлади, – деди Ш.Ҳамидов. – Менга яна озроқ ёрдам қилиб турмасангиз, бўлмайди.

Қисқаси, Ш.Ҳамидов Г.Расулованинг ишончига кириб, қарз эвазига олган маблағи тез орада 40 минг АҚШ долларига етади.

– Сиздан олган қарзларим ҳам кўпайиб кетди, аммо сира хавотир олманг, ўзимнинг ҳам насияга берган товарларим пуллари йиғиляпти, эртага кечга қадар қарзларимнинг ҳаммасини қайтараман, – деди у охирги марта қарз олаётиб.

(Давоми 4-бетда) ▶

# тайинлаш

## қонун талабига қатъий риоя этишни талаб қилади

Бундан ташқари ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281-моддаси талабларига зид тарзда расмийлаштирилган. Чунки баённомада ҳуқуқбузарликнинг асл моҳияти кўрсатилмаган. Буниси етмаганидек, баённома 2025 йилнинг 23 май куни расмийлаштирилган бўлса-да, беш ой олдинги муддат қўйилган.

Бунинг устига ваколатли шахс З.Хонкелдиева баённомани шахсан ўзи тузганлигини электрон рақамли имзо ёки электрон график имзо билан тасдиқламаган.

Шунингдек, ҳуқуқбузар баённома билан таништирилиб, розилиги қайд этилмаган.

Энг ажабланарлиси, юқорида қайд этилган камчиликлар Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорида ҳам ўз ифодасини топган.

Суд ишни кўриш чоғида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 319-моддаси иккинчи қисмидаги **“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади”** деган қатъий талабга таянди.

Кадастр агентлиги туман бўлими етакчи инспектор томонидан тузилган ана шу маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани кўриб чиқишда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303, $303^{1}$, 307 ва 309-моддалари талабларига риоя қилмаган.



Нега деганда, О.Омонқуловнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган ёки содир қилмаганлиги аниқланмаган. Ички ишлар идораларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага илова қилинмаган. Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги ҳақидаги масалани ҳал этмасдан туриб, маъмурий жарима қўллаш тўғрисида барвақт қарор чиқарган.

Шунинг учун суд Кадастр агентлиги Қўшработ тумани бўлими бошлиғининг 2025 йил 10 июндаги QSAM 2524103743019 рақамли маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорини бекор қилди. Ишни қайта кўриб чиқиш учун Кадастр агентлиги туман бўлимига юборди. Кадастр агентлиги вилоят бошқармасига йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Буларни баён этишдан мақсад шуки, ҳар бир жазо чораси қонуний, асосли ва адолатли қўлланиши — кутилган натижани беради. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўшработ тумани суди тергов судьяси*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

*Тарих тилсимлари*

# Сўз латофати

Ажабки, мен қатиқни сутнинг ивиб қаттиқ ҳолга келгани, қотгани, деб тушунар эканман. «Девону луғатит турк»да ёзилишича, қатиқ — қатилувчи, яъни таомга қўшиб, аралаштириб тановул қилинувчи емак экан. Шу ўринда бир илова. Бир қанча Оврупо тилларида қатиқни йўгурт дейдилар. Бу соф туркий ўзбек сўзи. Уни дунёга совға қилиб, ўзимиз қатиқ деймиз. Бамисоли олов, чўғ маъносидаги ўт сўзидан ясалган ўтуғ сўзимизни утюг шаклида бошқаларга бериб, ўзимиз дазмол деганимиз ёки қафтанимизни бировга кийдириб, ўзимиз тўн, чопон кийганимиз каби. Бундай ҳиммат инглизларда бор. Улар апельсин деган инглизча сўзни бутун оламга улашиб, ўзлари оранж дейдилар.

Қат билан қот ўзагининг Қошғарий бобо битмаган маънолари бугун бизда бор. Ишни, гапни қотирамиз, фарғонача айтсак, қатириб ташлаймиз. Сўзамоллик билан бошқаларни лол қилиб, қотириб қўямиз. Бундай «қотириш»лар эски замонда бўлмаган, чоғи, луғатларга киритилмаган.

Қаттиқ деган сўзнинг ўзи қулоққа қаттиқ эшитилади. Гўё оҳангда маъно яширингандек. Араб тилида ҳам қатъий, қатъият сўзларининг ўзаги — қатъ. Бу қаттиқ товушли сўз узиш, кесишни англатади. Қатъий сўз – кесиб айтилган сўз. Қизиқки, инглиз тилида ҳам кесиш, қирқиш кат дейилади. Хеч бир қариндошлиги бўлмаган бу уч тилдаги оҳангдошликка сабаб нима? Ўзбекча қатнинг қаттиқлиги, арабча қатъ, инглизча катнинг мато кесгандаги товушга ўхшашлиги аён. Демак, ҳар бир атама замирида инсоннинг нозик ҳиссиёти, қалби ва онгидаги товушлар, ранглар дунёси, яна биз англаб етмаган олтинчи, еттинчи, саккизинчи туйғулари яширин экан.

Сўз орасида сўз: ўзбекча емак билан русча есть сўзларининг ўзаги битта – е! Биз е, десак, руслар ешь, дейдилар. Еда, ем, едим сўзлари рус тилида емиш, емоқдаман, емоқдамиз деган маънони билдирса, ўзбекчалаб, е-да, десак, егин-да, деб қистаган бўламиз. Ем, деганда биз молга бериладиган емишни англаймиз. Едим эса, еб тугатдим, деганимиз бўлади.

Агар бу ҳолни тилларнинг ўзаро таъсири, десак, туркий халқларнинг Русия билан алоқаси узоқ минг йилларга бориб тақалиши керак. Чунки ҳар икки тилдаги бу узоқ сўзнинг тарихи халқларимиз тарихи қадар кўҳнадир. Мабодо ҳар икки халқда е ўзаги мустақил равишда азалдан бор, бири-биридан олмаган, десак, бундай мувофиқликка ҳайратланишимиз керак.

Мана энди асосий мақсадга келдик. Ўзбекча қат ўзагидан ясалган яна бир атама бор. Бу қатағон. От чопағон, ит қопағон, одам топағон бўлганидек, қаттиқланган нарса қатағон дейилади. Қаттиқ беркитилган эшик, қаттиқ ўрнатилган тартиб, қаттиқ ман қилинган ишга нисбатан бу сўз айтилади. Чор Россияси ҳукмрон бўлган вақтлар ўзбекларнинг Ўрда кўпригидан ўтиб рус зодагонлари яшайдиган янги шаҳарга кириши қатағон, русча айтганда, запрет эди. Ундан ҳам аввал Тошкентнинг ўн икки дарвозасидан бири Қатағон деб аталган. Кейинча Қўймас деганлар. Қатағон ҳам, Қўймас ҳам битта маънони англатади. Бу дарвоза ёпиқ.

Қаттиқ нарса қатағон, дедик. Қандай қилиб бу сўз берк маъносини олди? Бу саволга жавобни Самарқанддан топдик. Шаҳар айланиб юриб, бир дўконга кирдик. Пештахта ёнида чой ичиб ўтирган сотувчилардан бири бизга қараб: — Маҳкам! — деди. Биз бу сўзга эътибор қилмадик. Бирор Маҳкам исмли ўртоғини чақираяпти, меҳмонларга қара, хизмат қил, демоқчи, дея ўйладик. Кириб келавердик. Сотувчи ўрнидан туриб, жаҳл билан сўзини такрорлади: — «Ҳой, мен сизга айтаёбман: — Маҳкам!»

**Ўшанда биз, ижодкорлар, муҳаррирлар эмас, оддий ҳарф терувчи устун чиқди. Унинг айтганлари ўша замоннинг сўзи, давлатнинг, ҳоким мафкуранинг сўзи эди. Йўқсил маданияти дея аталган дунёқарашнинг ифодаси эди. Биз ҳаммамиз насл-насабимизнинг уламо, мударрис ўтганини яшириб қашшоқ, батрак бўлган дея кечмишимизни улуғлагандек, ёзган шеърларимизнинг оддийлиги, жўнлиги билан мақтанар эдик. Шоир учун энг буюк мақтов — шеърининг соддалиги ҳисобланарди. Етмиш йил ҳокимлик қилган бу сиёсат бошқа тиллар каби ўзбек тилини ҳам абгор қилди.**

Шунда англадикки, маҳкам сўзи — берк, кириш мумкин эмас, дегани экан. Бир тилда сўзлашувчи одамлар бир-бирини тушунмаса қизиқ бўларкан. Биз узр айтиб, дўконни тарк этдик.

«Маҳкам» деган сўзни биз қаттиқ, мустаҳкам, деб тушунамиз. Бу сўз берк маъносини ҳам англатса, демак, қаттиқ сўздан чиққан қатағон ҳам ёпиқ, кириш мумкин эмас, деган тушунчани англатиши табиий. Маҳкам ва мустаҳкам сўзларига ўзакдош бўлган истеҳкомда ҳам шу маъно бор.

Қатағонни бугун репрессия ўрнида ишлатамиз. Сўзнинг ўзаги пресс бўлгани учун тўғридан-тўғри таржима қилиб, босим ҳам дейдилар. Дарҳақиқат, у машъум йилларда босим ҳам, таъқиқ ҳам кучли бўлган. Лекин репрессия биз учун атамагина эмас, аянчли тақдир, фалокатли тарих ҳамдир. Шу маънода иккала истилоҳ ҳам халқимиз бошдан кечирган даҳшатни ифода қилолмайди. Миллионларнинг ёстиғини қуритган репрессияни қатағон, босим эмас, истибдод деса, тўғрироқ бўлади. Истибдод чекланмаган ҳуқуқ билан жабр-зулм ўтказиш демакдир. Бу сўзда босим ҳам, ҳақсизлик ва шафқатсизлик ҳам, зиндон азоблари ҳам бор.

**ҚОЙИЛ**

Биз гапни қойил қиламиз, бошқаларга қойил бўламиз, лекин қойил ўзи нима, маъноси қандай — суриштирмаймиз. Қойил — сўзловчи дегани. Бу сўз, аслида, сўзамол одамга нисбатан ишлатилган. Гап билган — қойил, иш билган омил аталган. Қойиллар ва омиллар баҳсида сўзамоллар устун келган, чоғи, омил сўзи чекиниб, қойил сўзи ғолиб бўлди ва омилнинг ҳудудларини эгаллади. Ишга устани ҳам қойил дейдиган бўлдик. Иш билган ҳам қойил мақомини олди. Қойилмақом дейишимиз шундан.

Бу оламда қойилмақом ишлар кўп. Ёқа ушлаб, тавбалар дейсиз. Нашриётда муҳаррир бўлиб ишлардим. Бир шеърий баёзни босмахонага топширдик. Бир ой ўтиб терилган нусха — корректура келди. Не кўз билан кўрайликки, бирор саҳифа бехато ёзилмаган. Ҳарф терувчи ҳамма шеърларни ўзи тушунганча тўғрилаб чиққан. Музофот мукофотга, муҳаммас мусалласга, пеша тешага айланган. Ҳаммасидан қизиғи, бир ғазалхон шоиримизнинг, «Не муаттарликки бор, ул мушки анбардин келур», деган сатрини «мушук омбордан келур», дея ўзича тузатибди. Ўша ҳарф терувчини суҳбатга чақирдик. Хатоларини кўрсатдик. У эса, узр айтиш ўрнига биз билан баҳс қилишга тушди. «Мушук омбордан келади-да, бошқа қаердан келади», деб туриб олди. Биз сўзларнинг маъносини чақиб, қозоқнинг тўққиз пулидек қилиб тушунтирганимиздан кейин ҳам, хатосини бўйнига олмади, ўзимизни айбдор қилди. «Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да», деди у бизга ва ғолибона қадам ташлаб чиқиб кетди.

Ўшанда биз, ижодкорлар, муҳаррирлар эмас, оддий ҳарф терувчи устун чиқди. Унинг айтганлари ўша замоннинг сўзи, давлатнинг, ҳоким мафкуранинг сўзи эди. Йўқсил маданияти дея аталган дунёқарашнинг ифодаси эди. Биз ҳаммамиз насл-насабимизнинг уламо, мударрис ўтганини яшириб қашшоқ, батрак бўлган дея кечмишимизни улуғлагандек, ёзган шеърларимизнинг оддийлиги, жўнлиги билан мақтанар эдик. Шоир учун энг буюк мақтов — шеърининг соддалиги ҳисобланарди. Етмиш йил ҳокимлик қилган бу сиёсат бошқа тиллар каби ўзбек тилини ҳам абгор қилди.

Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да! Қойил! Лисоний бойлик юз минглаб сўзларни ўз ичига олади. Лекин инсонга тириклик ўтказиш учун уч-тўрт минг сўзни билиш кифоя. Кўчада ўйнаб юрган гўдакнинг луғат бойлиги юзта сўздан ошмайди. Унга шу етарли. Уни ҳам қойил деймиз. Агар ўша қашшоқликка сиғиниш мафкураси яна эллик йил давом этса, сўз хазинамиз гўдакнинг луғат бойлигидек бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

*(Давоми кейинги сонда)*

■ Мулоқот

# Савол беринг, жавоб берамиз

***— Яқинда акам отамдан қолган мол-мулкдаги улушимдан воз кечишим ҳақида тилхат ёздириб олди. Айтинг-чи, мен ушбу тилхатни қайтариб олишим мумкинми?***

**Д. ДАВЛАТОВ,**
*Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани*

— Мамлакатимизда мерос билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли.

Бироқ меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Шунга кўра, сизнинг акангизга берган ёзма тилхатингиз нотариал тасдиқланмаганлиги сабабли ҳеч қандай ҳуқуқий кучга ва аҳамиятга эга эмас. Фуқаролик қонунчилиги нормаларига кўра, меросдан воз кечиш ҳақидаги нотариал тасдиқланган ариза кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Фақатгина бундай нотариал ариза қонунчиликда белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирда суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

***— Айтинг-чи, жамоа шартномасида ногиронлар ва бола тарбия қилаётган шахслар учун қўшимча имтиёз белгиланишига йўл қўйиладими?***

**Ч. БОБОБЕКОВА,**
*Сирдарё вилояти, Ховос тумани*

— Аввало, жамоа шартномасининг ўзи ҳақида тўхталадиган бўлсак, амалдаги Меҳнат кодексининг 65-моддасига кўра, жамоа шартномаси ташкилотда ёки якка тартибдаги тадбиркорда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

Жамоа шартномаси ходимлар ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини яхшилашга қаратилган ҳужжат бўлганлиги боис унда турли имтиёзлар назарда тутилиши мумкин. Хусусан, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга нисбатан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга устамалар, транспорт ва хизмат сафари харажатларини компенсация қилиш, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим ташкилотларида ва мактабгача таълим ташкилотларида бепул ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, уяли алоқа, Интернет жаҳон ахборот тармоғи учун ҳақ тўлаш, олий таълим ташкилотларида ўқитиш учун ссудалар тўлаш ва ҳақ тўлаш, бошқа қўшимча имтиёзлар ва компенсациялар) ҳам белгиланиши мумкин. Меҳнат қонунчилиги фақатгина жамоа шартномасида ходимларнинг ҳолатини мазкур ходимларга татбиқ этиладиган қонунчиликка ёки жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирадиган, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни, мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузадиган ва ички даражада ҳал этилиши мумкин бўлган масалалардан ташқарига чиқадиган шартлар бўлмаслиги кераклигини белгилайди. Демак, жамоа шартномасида ногиронлар ва бола тарбия қилаётган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилашга йўл қўйилади.

***— Маҳалламизда қаровсиз ит ва мушуклар кўпайиб кетган. Улар, табиийки, одамларга хавф туғдиради. Бир неча марта тегишли идораларга мурожаат қилдик, аммо аниқ чора кўрилмади. Айтинг-чи, бундай ҳолатда фуқаролар судга мурожаат қилиб, маҳаллий ҳокимият ёки тегишли идоралардан қаровсиз ҳайвонлар бўйича чора кўришни талаб қилишга ҳақлими?***

**Ш. ҲАКИМОВ,**
*Яккасарой тумани*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сонли "Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 3-бандига кўра, кўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан, эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни тутишни ташкил этиш, шунингдек, уларни вақтинча сақлаш учун махсус жойлар барпо этиш; одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд ножўя ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвонларни кейинчалик уларни карантинда сақлаш учун ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига олиб келиш шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимларининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Шу сабабли сиз бу масалада дастлаб ўзингиз яшаб турган жойдаги ободонлаштириш бошқармасига мурожаат қилишингиз, агар мурожаатингиздан сўнг аниқ чоралар кўрилмаган ва хавфсизликка таҳдид сақланиб қолган бўлса, туман ободонлаштириш бошқармаси масъул шахсларининг ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиш; тегишли тартибда қаровсиз ҳайвонларни ушлаб олиш ва сақлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ариза билан маъмурий судга мурожаат қилишингиз мумкин. Аризага қилинган мурожаатлар нусхалари, хавфни тасдиқловчи фото ёки видео материалларни илова қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Саволларга Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси, юридик фанлар доктори Садоқат САФОЕВА жавоб берди.**

◀ (Бошланиши 3-бетда)




– Майли, сизга ишонганим учун қарз беряпман-да, – деди Г.Расулова.

Халқимиз "оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним", деб бежизга айтмаган экан. Қарз олаётганда ваъдани қуюқ қилган Ш.Ҳакимовнинг кутилмаганда фикри ўзгариб қолди, қарзни қайтармаслик пайига тушди. Аввалига у Г.Расуловани "эрта-индин қарзни қайтараман", дея алдаб юрди, сўнг эса, буткул қорасини кўрсатмай қўйди.

Г.Расулова қарзга берган пулини қайтариб олиш учун сарсон-саргардон бўлиб юрган кунларда Ш.Ҳамидов яна бир таниши – Нодира Ўрмонованни ҳам чув туширди.

– Автомашина олди-сотдиси билан шуғулланяпман, – деди у киприк қоқмай ёлғон гапириб. – Даромади жуда зўр экан. Яна битта янги машина олаётгандим, 15 кунга қолмай фойдаси билан сотиб юбораман. Шунга 11 минг доллар етмай турибди. Илтимос, қарз бериб туринг, узоғи билан икки ҳафтада қайтараман. Сизни ҳам қуруқ қўймайман...

Хуллас, Нодира Ўрмонова унинг гапларига лаққа тушиб, сўралган пулни қандай қилиб қўлига тутқазганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Буёғини сўрасангиз, Ш.Ҳамидов аллақачон тўғри йўлдан адашган, савдо-сотиқни йиғиштириб қўйиб, фирибгарликни касб қилиб олганди. У ҳар ойда камида бир-икки нафар танишини алдов йўли билан чув туширар, аммо бундай қилмиши жиноят эканини, эрта албатта, қонун олдида жавоб беришини хаёлига ҳам келтирмасди.

Бу фирибгар кимса Бахтиёр Тўйчиевнинг ҳам ишончига кириб, унинг "Жентра" русумли автоуловини 12 минг долларга – пулини 20 кунда бериш шарти билан насияга сотиб олади. Аммо у тез орада автомашинани бошқа кишига сотиб юборади, бироқ Б.Тўйчиевга қарзини беришни "унутиб" қўяди.

Шунингдек, Баҳодир Абдувалиевни ҳам айнан шундай йўл билан алдайди, яъни унинг "Жентра"сини ҳам 14 минг долларга "бор барака" қилади-да, бошқа харидорга сотиб юборади, пулини эса, чўнтагига уради.

Ёки таниши Фахриддин Зокировнинг ишончига кириб, автомашина савдоси ва бошқа тадбиркорлик юмушлари учун айланма маблағ етмаётганини важ қилиб, қарийб 85 минг АҚШ долларига тенг маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Бу фирибгар кимса худди шу йўсинда Фуркат Ҳошимовнинг 50 минг, Насрулло Раҳимовнинг 64 минг, Икром Иззатовнинг 17 минг, Ойсулув Убайдуллаеванинг 5 минг, Нозим Собировнинг 12 минг 500, Карим Йўлчиевнинг 10 минг, Шамсиддин Давроновнинг эса, 108 минг АҚШ долларини алдов йўли билан қўлга киритади.

Юқорида қайд этилган катта миқдордаги маблағдан ҳам кўринадики, Ш.Ҳамидов содир этган жиноят кўлами ниҳоятда катта.

Жабрланувчилар охир-оқибат алданишганини тушуниб етишди ва Ш.Ҳамидовга нисбатан тегишли чора кўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишди. Шундан сўнг бу фирибгар кимса нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур жиноят иши судда кўриб чиқилди ва Шодмонбек Ҳамидовга нисбатан тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, суднинг ҳукмида Ш.Ҳамидовдан жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Агар эътибор берсангиз, Ш.Ҳакимов аксарият ҳолларда ўзининг яқин танишларини алдов йўли билан чув туширган. Бу қилмиши билан у, аввало, танишлари билан ўртасидаги ўзаро ишончни суиистеъмол қилган. Танишлари ҳам унинг ғаразли ниятини пайқашмаган ва ишониб, қарз беришган.

*Маълумки, ҳар қандай жиноий қилмишнинг келиб чиқиш сабаби ва унинг содир этилишига имкон берган шароит бўлади. Масаланинг киши эътиборини тортадиган жиҳати шундаки, баъзи ишонувчан одамларнинг амалда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга риоя этиш ўрнига мўмай даромад орзусида фирибгарнинг ёлғонига ишонгани кишини афсуслантиради.*

*Тафсилоти баён этилган воқеадаги жабрланувчилар ақли расо шахслар ҳисобланади. Агар жабрланувчилар амалдаги қонун талабига риоя этган ҳолда иш тутишганда, бу ҳолга тушмаган бўлишарди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамиша долзарб вазифа экани кўрсатади. Зеро, ҳар бир ишни қонун асосида амалга оширган киши ҳеч қачон адашмайди. Буни асло унутмаслик зарур.*

**Раҳматжон РАҲИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича*
*Асака тумани суди раиси*

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3055
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $20^{30}$. Топширилди: $21^{15}$.